



Ishonch

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 10-aprel № 44 (3081) seshanba

9 АПРЕЛ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН



Тадбир аънамага мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Халқаро Амир Темур жамғармаси, Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Дилларга шуқуқ улашаётган баҳорнинг авж палласи. Апрельнинг тўққизинчи санаси. Амир Темур хиёбони ҳар қачонгидан гавжум. Муҳташам ҳайкал пойида давлат ва жамоат арбоблари, таълим, фан ва маданият намояндалари, эл ардоғидаги ёзувчи, шоиру санъаткорлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабалари ҳамда мактаб ўқувчилари фахр ила саф тизиб туришибди.



Темурийлар ренессанси

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, жамғарма раиси Муҳаммад Али тантанали йиғинни очаркан, жумладан, шундай деди: — «Буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратди», деган эди Президентимиз. Буюк давлат арбоби, илм-фан ҳомиysi ва саркарда Амир Темур табиатан бунёдкор бўлган. Унинг фаолияти замирида халқимизнинг яратувчилик фазилати, ҳаётбахш ва яшовчан фалсафаси тажассум топди. Шу сабаб ҳам бобомизнинг улкан бунёдкорлик ишларидан хануз ҳайратла тушамиз. — XIV асрнинг иккинчи

ярмида Мовароуннаҳрда мустақил давлатнинг шаклланиши натижасида Марказий Осиё маданиятида янги кўтарилиш ва тараққиёт рўй бердики, бу давр тарихида «Темурийлар ренессанси» деб аталади, — деди тадбирда сўз олган ЎФА Ва Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими Санжар Гуломов. — Мазкур уйғонши даврининг пойдевори, албатта, Соҳибқирон Амир Темур ақлу заковати, сайёҳаракатлари эвазига барпо этилгани кўпчиликка маълум. Таъкидлаш лозимки, Амир Темурга тожу тахт ме-

рос бўлиб қолмаганди. У ўта қийин вазиятда ҳам сиёсий муомала — дипломатия ҳамда ҳарбий салоҳиятини намоян этиб шундай қудратли давлатни барпо этишга муваффақ бўлди. Темур ва темурийлар давлати деярли бир ярим аср давомида Осиё, айниқса, Марказий Осиёда ниҳоятда кўп ва ранг-баранг маданият-маърифий дурдоналарни муваффақ келтиришга ҳисса қўшди. Бу ҳақдаги маълумотлар Соҳибқирон ҳаётлик даврида ёки бир мунча кейин битилган асарларда ақс этган.

Темур образи ўрта асрларда яшаган қатор европалик тарихчилар томонидан тарафдор этилгани, Халкондел, Дукас, Франциснинг тарихий асарлари, Крестофер Морло, Николас Продон кабиларнинг 25 га яқин драма, трагедия ва новеллалари яратилганини айтиб ўтди. Амир Темур билан замондош бўлган Иван Галанефонселас каламига мансуб тарихий асар ҳақида қисқача тўхталиб, 24 бобдан иборат мазкур солнома Соҳибқирон бобомиз ҳаётига оид муҳим манба эканини таъкидлади.

Давоми 4-бетда.

БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА

Бугунги кунда аҳолини иш билан таъминлаш энг долзарб масалалардан бирига айланди. Албатта, сайёҳаракатлар ҳам шунга яраша бўлмоқда. Натижада ўтган йили мамлакатимизда ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши туфайли, бир миллионга яқин иш ўрни яратилди. Уларнинг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларига тўғри келади. 54 фоиздан ортиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермер хўжалиқларини ривожлантириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан кўпроғи эса янги корхоналар очиб ва касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобига ташкил этилди.

Иш ўрни кўпаймоқда

Бош бошқармамиз ва унинг Термиз шаҳри ҳамда 13 та тумандаги бўлимлари билан бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши қарори билан маъқулланган «2011 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрлари»га асосан, йил давомида 65645 та янги иш ўрни яратилиб, дастур режаси ортиги билан адо этилди. Яратилган иш ўринларининг 89,3 фоизи қишлоқ жойларидадир.

Қишлоқ хўжалигида 21,8 минг, савдо ва умумий оватланишда 24,3 минг, саноатда 10,3 минг, қурилишда 15,9 мингта янги иш ўринлари барпо этилди. Инвестиция, локализация ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари бўякта янги иш ўрини яратиш ҳисобига 758 та, тўхтаб қолган корхоналарни қайта тиклаш, модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига 2081 та иш ўрни пайдо бўлди. Мисол учун, Термиз шаҳрида полипропилен халталар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Тер-

миз шаршара Файз» хусусий корхонасида 50, шифер ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Гранд-шифер» масъулияти чекланган Ўзбекистон-Англия қўшма корхонасида 85 та, Сариосиё туманидаги рудани қайта ишлаш «Хонжиза» шахта қурилиши бошқармасида 252 та, Термиз туманидаги «UNIGREEN» МЧЖда 25 та янги иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва модернизация қилиш ҳисобига «Шўрчипахта» ОТХЖда 30 та, Термиз шаҳридаги «Шингонг-Спиннинг-Термиз» хусусий корхонасида 60 қўшимча иш ўрни барпо этилди.

Эркин МЕНГЛИЕВ, Сурхондарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи

«ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ» ТАНЛОВИГА

1966 йили ташкил этилган Сирдарё Давлат педагогика институти — ҳозирги Гулистон Давлат университетининг тамал тошини қўйиб, қалб қўри, кўз нури, катта тажриба ва юксак билим-салоҳиятини ёшларга таълим-тарбия беришдек эзгу ишга бахшида этиб келаётган фидойи устозлардан бири Умурзоқ Ўлжабоевдир.

Мураккаблиқларга тўла бу ҳаётда бутун умр мукамал собит инсон бўлиб яшаш ҳаммага насиб этавермайди. Шундай яшаш сири ҳақида машҳур адиб Леонид Леоновнинг яхши гапи бор: «Фақат мукамал одамгина мукамал бахтга эриша олади. Бунинг учун ҳар битта одам мукамал биографияга эга бўлиши лозим. Бу — шундай биография бўлсинки, одам уни жаҳоннинг энг гавжум майдонида кўш чарақлаб турган туш палласида болалар ҳузурида бор овоз билан айтиб беришдан уялмасин».

Ҳаёти гоёт саришталди, илмий-педагогик фаолияти ибратли ва унутилмас ёрқин саҳифаларга бой бўлган Умурзоқ ака айна пайтада шахси бутун, иймон-этиқоди мустақам, табиатан дилкаш инсонлиги билан кўларнинг меҳрини қозонган.

Умурзоқ ака билан 40 йиллик биродаримиз. Бирга ишладик, пахтада, кўнгилли сафарлар, турли давраларда, тўй-у маъракаларда бирга бўлдик. Адабий кечалар, янги асар ва илмий ишлар муҳофазасида қатнашиб, фикримизни билдирдик. Дўсту қадрдонлар билан бирга қувончли кунларимизни нишонлаган дамларимиз кўп бўлган. Лекин у кишининг ортиқча ҳиссиётга берилгани-ю ё бемулоҳаза фикр билдиргани ёхуд бирон ноўрин сўзи билан кимнингдир кўнгилни ранжитиб қўйганини кўрган ва эшитган эмасман. Бу жиҳатдан ҳам Умурзоқ ака

адабиётшунос олимлар ҳам баҳар топиб, ич-ичидан қайғурганликлари, шукурки, кечаги кунларнинг аччиқ, аммо унутилмас бир ҳақиқати бўлиб қолди.

Бу ноҳақликларнинг тарихи ва ноҳуш оқибатларини англаб, тегшли сабоқ чиқариш мақсадида институтнинг биринчи битирувчиларидан бўлган адабиётшунос олим Қ.Йўлдошевнинг «Ёниқ сўз» (Тошкент, 2004 й. 425-426-бетлар) китобидан куйидаги иқтибосни келтира-

акадея таниқли олим ва етакчи кафедра муdiriнинг Кенгашдан чиқариб юборилиши бориб турган адолатсизлик эди. Бунинг устига бу ҳақсизлик Ўлжабоевни кўндан бери биладиган, бирга ишлаётган домларнинг қўли билан амалга оширилмоқдаиди. Умурзоқ ака бир умр фақат Гулистон университетиде меҳнат қилган. Бу маскандаги каттадан-кичик — барчани билади, бошқалар ҳам у кишини таниб, ҳурмат қилишади. Шунга қарамай, зарур соний жасорат ҳам лозим эди».

Фидойи ибратли

Зотан, ростгўйлик, яъни тўғрисиқлилик — ҳаётда ҳам, илму илждода ҳам қанчалар аҳамиятли, юксак инсоний фазилат эканлиги ва унинг ажр-мукофоти ҳам ҳаммиша муҳаққаклигини исботловчи ҳикमतомуз мисоллар кўп. Аммо унинг ташвиш-азоблари ҳам шунга яраша оғир бўлишини Умурзоқ ака ҳам, унга руҳан ва маънан яқин маслақдош бўлган сафдошлари ҳам бошларидан кечирган. Бундан нафақат университетдаги сергак домла ва талабалар, балки кўшни вилоятдаги ва пойтахтимиздаги гамхўр устоз

миз: «1992 йилнинг октябр ёки ноябр ойлари. Гулистон университетининг ўша йиллардаги собиқ ректори домларнинг катта бир қисми билан келишмай қолиб, очикчасига уларга зуғуму тазйик ўтказга бошлади. (Тўғри, кейинчалик у ўша вақтлар ноҳақ бўлганлигини мардларча тан олди). Ушанда ректорнинг қаҳрига нишон бўлганлардан бири — бир сўзли ва принципал одам Умурзоқ Ўлжабоев домла эди. Ректор Илмий Кенгашда ўз тарафдорлари кўпроқ, унга қарши фикр айтиши мумкин бўлганлар камроқ бўлишини истаб, Ўлжабоевни Кенгаш аъзолигидан чиқартирди. Аслида, Кенгашга аъзо бўлиш — алоҳида бир имтиёз ҳам, шараф ҳам эмас. Лекин Умурзоқ

пайта ҳеч ким у кишининг ёнини олишга ботинмади. А.Каттабеков домла мажлис охирида Кенгашдан сўз олиб: «Сафаридан Умурзоқдай олим ва одами чиқариб юбориб, адолатнинг очикчасига топталишига йўл қўйган, ўларнинг 30 йиллик сафдошларини химоя қилишга журъат этолмаган кишилардан иборат Кенгашга аъзо бўлиб туришдан уяламан. Ҳозирдан эътиборан мен ҳам университет Илмий Кенгаши таркибидан чиққанлигимни билдираман», — деди. Бу вақтда домла илмий ишлар бўйича ректорнинг ўринбосари эди. Кенгашдан чиқиб — амалда лавозимдан воз кечиш эди. Бундай йўл тутмоқ учун виждонли одам бўлишдан ташқари чинақамга ин-

Давоми 2-бетда.

Жамоа шартномалари: у қандай бажарилмоқда?

Ижтимоий шерикликни мустақамлаб

2-бет

Эъзоз

Бахти кулган аёл

2-бет

Касаба уюшма спорти


«Сув парилари»

3-бет

Молия муассасаларида

Банк: Аҳоли ишончи — тадбиркор таянчи

3-бет



Темурийлар ренессанси

Давоми. Боши 1-бетда.

Шунингдек, йирилганларни Япониянинг Ўзбекистондаги факултетада ва мухтор элчиси Ёсхиса Курода, шоир Салим Ашур ва бошқалар кутлашди. Шарқшунослик институтининг талабалари дунёга машҳур олиму файласуфларнинг Амир Темур шахсига оид эътирофларидан ихтибос келтиришди. Улғу бобомиз ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

Шундан сўнг барча тадбирнинг иккинчи қисмида қатнашиш учун Темурийлар тарихи давлат музейига йўл олишди. Иштирокчилар карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Ёш санъаткорлар миллий кўшиқ ва рақслари билан барчани хушнуд этиш-

ди. Музейнинг улғувор ва бетакор архитектураси кишини ҳайратлантирса, темурийлар даврига оид экспозициялар қалбларда ифтихор ҳиссини уйғотади. Жумладан, Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда тайёрланган «Тарихий обидаларимиз: кеча ва бугун» кўргазмаси иштирокчиларни шонли ўтмишига сайр эттирди.

Кўргазмадан жой олган Амир Темур ва темурийлар давридан то бизнинг кунларгача сақланиб қолган мухташам обидаларнинг макетлари ўз замонда Соҳибқирон ҳомийлигида мамлакатда меъморчилик ва шаҳарсозлик юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Бунёдкорлик соҳасидаги беқиёс ишларни Шахрисабз, Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Туркистон шаҳарларидаги ноёб ва нодир обидалар мисолида кўриб турибмиз. Бу каби меъморчилик мўъжизалари ҳали-ҳануз дунё ахлини қизиқтириб келаётгани сир эмас.

Кўргазмада темурийлар даври меъморчилиги намуналарининг

XX аср ўрталаридаги ҳолати ва мустақиллик шарафати билан қайта таъмирланган ҳозирги кундаги кўринишлари суратларда акс эттирилган. Бундан ташқари, музейдан жой олган ўша даврдан сўзловчи тарихий ҳужжатлар, қурол-аслаҳалар, заргарлик буюмлари, суратлар ажодларимиз саъй-ҳаракати билан барпо этилган буюк давлатнинг қудратини кўз олдимизга келтиради.

Шу кун, музейнинг катта конференция залида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази, Тошкент автомобил-йўллар институти билан ҳамкорликда «Аждодлар ибрати» номи бадий-музика тадбир ўтказилди. Кичик конференция залида олимлар, ёзувчи ва шoirлар иштирокида «Соҳибқирон Амир Темур даврида оиланинг жамиятда тугган мавқеи ва ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

— Ушбу аянжуман Соҳибқирон бобомиз таваллуд топган кун муно-

сабати билан ўтказилаётган тадбирларимизнинг мантиқий давоми ҳисобланади, — деди Муҳаммад Али давра суҳбатини очар экан. — Таъкидлаш жоиз, темиршунос олимларимиз, Темурийлар тарихи давлат музейи билан ҳамкорликда бобомиз руҳини шод этиш, изчил тадқиқотлар олиб борган ҳолда топилган янгиликларни халқимизга етказиш борасида кўпгина ишларни амалга оширди. Яқинда музей ходимларининг саъй-ҳаракати билан Эрмитаж музейидан Мироншоҳ Мирзо ва Гавҳаршодбегим муҳрининг нусхаси олиб келинди. Бундай ҳаракатлар изчил давом эттириляпти. Буюк бобомизга бўлган эҳтиромга Соҳибқирон ҳайкали қаршида ўтган тадбирда ҳам гувоҳ бўлди. Айниқса, ёшларимизнинг фаоллиги бизни қувонтирди.

Тарихчи олимлар, адиллар Амир Темур ва темурийлар даврида оилага, аёлларга муносабат ҳақида атрофлича фикр юритдилар.

Ўмбонўлла Бўриёв, тарихчи олим:

— Биламизки, Амир Темур ва темурийлар даври тарихи жуда катта мавзу. Ўша пайтдаги бевосита оилага муносабат ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин. Авваламбор, аёлларга бўлган муносабатда диний қарашлар, туркий халқлар урф-одат ва анъаналаридан келиб чиқилган. Бу ҳам тадқиқотлар олиб боришни талаб этадиган соҳа. Умуман, оналарга эътибор ғоятда кучли бўлган. Жумладан, Амир Темур аёлларга ғоятда ҳурмат билан қараган. Шунингдек, уларнинг жамоат ишларидаги аралашуви ҳам фаол кечган. Фарзандлар тарбиясига, уларни билимли ва жасур қилиб улғайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Амир Темур набираси Улуғбек Мирзо бевосита Сароймулкхоним тарбиясини олган.

Қозоқбой Йўлдошев, адабиётшунос:

— Тарихдан маълумки, мўғуллар худудимизга бостириб киришган бўлса-да, халқимизнинг эътиқодини йўқ қила олмаган. Амир Темур даврида оила исломий ва шарқона асосларга қурилган. Соҳибқирон катта салтанат барпо этиш билан бирга, оилаларнинг ҳалоллиги ва ўз тизимида ривожланиб боришига катта аҳамият беради. Улкан давлатда адолатни қарор топтирган буюк зот, албатта, оила мухташамлигига ҳам эътибор қаратган. «Темур тузуклари»да ўғилларнинг ёшига ва мавқеига мос равишда қўшин ва худуд бўлиб бергани қайд этилган. Бу ҳам бўлса, оилада адолатни қарор топтирганидан далолат.

Конференцияда Темурийлар тарихи музейи директори Нозим Ҳабибуллаев, Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ва бошқалар ҳам Темур ва темурийлар даврида оиланинг ўрни борасида тўхталиб ўтишди. Шунингдек, ушбу мавзуда тадқиқот ишлари олиб борилиши лозимлиги қайд этилди.

Акmal ТОШЕВ,
Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбирлари,
ИҚБОМ ҲАСАНОВ
олган суратлар

МУАММОНОМА: Шакл атрофидаги рақамларда ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийси Амир Темурнинг бунёдкорлик борасидаги фаолияти ҳақида ёзиб қолдирган ибратли сўзлари ифодаланган. Уни куйидаги калит сўзларни топиб, жавоблари асосида билиб олинг.

1. Соҳибқироннинг отаси Амир Тарағай эътиборли бекларидан ҳисобланган улус — 2, 2,15,3, 8,14, 9.
2. Амир Темур давлати қароргоҳи, Самарқандда бунёд этилган меъморий кошона — 12, 7,12,10, 3, 4,14, 9.
3. Уғитлардан: «Давлат ишларининг тўққиз улуши 12, 23, 6, 17, 3,16, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қўлчи билан бажо келтирилур».
4. Давлат рамзларидан бири — 11,3, 9, 4, 14,13.
5. Амир Хусайнга Амир Темур ёзган туркий байтдан: «Ёрга еткур сабо, ким 1,3,12, 4, қилмишидир манга, Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анга».
6. Амир Темур ўйнаган ақл ўйинининг ўша даврдаги номи — 16, 3, 8, 4,3, 6,18.
7. Шоҳ томонидан бирор давлатга топшириқ билан юборилган расмий вақил — 21,19, 20, 2.
8. Шаҳар, қалъа, қўрғон, мудофаа истеҳкомлари ташқи девори ёнидан душман ўтолмаслиги учун гир айланасига қазилган чуқурлик — 22, 3, 6, 5, 3,13.

ЧАЙНВОРД 1. Амир Темур таваллуд топган Ҳўжалғор қишлоғи яқинидаги тарихий шаҳар. 2. Амир Темурнинг тўртинчи ўғли, Хуросон ўлкаси ҳукмдори. 3. Темурийлар давлати ҳақида «Ҳабиб ус-сияр» асарида маълумотлар ёзиб қолдирган ўрта аср тарихчиси. 4. Соҳибқирон ўғитидан: «Бошга қилич келса-да ... сўзла». 5. Мустақиллик йилларида Амир Темур номи абадийлаштирилиб ҳайкал ўрнатилган, музей ташкил этилган пойтахт шаҳар. 6. Илк мартаба ўтган аср бошларида тошбосма усулида бо-силлиб чиққан, Салоҳиддин Тошкандий қаламига мансуб, Буюк Соҳибқиронга бағишланган жангнома асар. 7. Амир Темур ва Шохруҳ саройларида тарихнавис сифатида фаолият олиб бориб, нодир асарлар ёзиб қолдирган тарихчи ва географ. 8. Амир Темурнинг набираси, Шохруҳнинг ўғли, буюк ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби. 9. Соҳибқирон эътиқод кўйиб «барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир» — деб таърифлаган ёзма манба. 10. Асл исми Сароймулкхоним бўлган, шарафига маҳобатли меъморий обидалар бунёд этилган эътиборли темурий маликаси. 11. Кинорежиссёрлар И. Эргашев ва Б. Содиқовлар томонидан экраништирилган «Буюк Амир Темур» тарихий фильмда бош қаҳрамонни гавдалантирган актёр. 12. Тожу тахт меросхори. 13. Ўша даврда муомалада бўлган кумуш танга пул бирлиги. 14. Дунёнинг кунботар томони номларидан бири. 15. Соҳибқирон ажодларига мансуб ўзбек уруғларидан бири. 16. Ҳазрат Соҳибқирон пойтахтга айлантириб жаҳонга танитган шаҳар. 17. Уғитлардан: «Сўзловчи гар нодон эрур, тингловчи ... бўлсин». 18. Амир Темур даврида Шахрисабзда бунёд этилган маҳобатли меъморий обида. 19. Воқеа-ҳодисалар даврига кўра қайд этилган ёзма манба. 20. Ўзбек тарихчиси, шарқшунос, академик «Амир Темур» тарихий романи муаллифи. 21. Утмишдан, ота-боболардан мерос қолган моддий ва маданий бойликларга эғалик қилувчи, уларнинг ишларини давом эттирувчи. 22. Амир Темур Яқин ва Урта Шарққа уюштирган юришлари чоғида қароргоҳ қурган, Мирзо Улуғбек таваллуд топган Эрондаги шаҳар. 23. Амир Темур мақбара бунёд эттирган тасаввуфнинг машҳур намояндalarидан бири, «Девони ҳикмат» асари муаллифи бўлган шоир. 24. Соҳибқирон ўғитидан: «Авал ... кейин йўл». 25. Амир Темур қўшинининг сўл қанотини кўриқлаб турувчи бўлима. 26. Давлатнинг ҳарбий кучлари мажмуи. 27. Мамлакатда истиқомат қилувчи халқ, солиқ тўловчи фуқаро. 28. Амир Темур ёзиб қолдирган давлат ишларини юритишдаги қонун-қоидалар тўплами. 29. Кастилия қироли Генрих III Амир Темур ҳузурига юборган элчиси, кундаликлари асосидаги хотиралари «Буюк Темур тарихи» номи билан босилиб чиққан нодир асар муаллифи. 30. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, «Соҳибқирон» шеърий драмаси муаллифи. 31. Хайрия мақсадларида васият қилинган мулк. 32. Амир Темур таваллуд топган, ҳижрий кўёш йилнинг биринчи оyi номи. 33. Ўша давр давлати рамзларидан бири ҳисобланувчи урма чолғу асбоби. 34. Икки китобдан иборат «Амир Темур тарихи» асарини ёзиб қолдирган, Самарқандда яшаган араб тарихчиси.

Фозилжон ОРИПОВ

«Ҳазрат Соҳибқирон»

ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИ

13 3 9 11 2 4 18 14 9 5 3 6 11 2 4 15 2 16 8 14 19 10 3

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31 32 33 34

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31 32 33 34

2 6 4 7 9 1 3 10 4 2 8 10 23 12 8 22 3 4 3 5 4 2 11 5 1 2

O'KUF FTUU

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abdusoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Esom RAJABOV, To'liqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib)

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Davlatdagi muxbirlar:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2012@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Qodirova
Navbatchi:
A. Arslonov
Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdullilov

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buxoro» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soltuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. Muallif fikri bahriyat nuqtai nazaridan foydalanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari
2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 22.10

Buyurtma Γ — 411
22331 nusxada bosildi
1 2 3 4 5